

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.37/27.02.2020.YU.107.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

ОДИНАЕВ АДҲАМ САҶДУЛЛОЕВИЧ

**МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚИ СОҲАСИДА НЕУСТОЙКА ҚЎЛЛАШНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуки. Тадбиркорлик ҳуқуки.
Оила ҳуқуки. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Одинаев Адхам Саъдуллоевич

Мажбурият хукуки соҳасида неустойка қўллашни тартибга солиш.....5

Одинаев Адхам Саъдуллоевич

Регулирование применения неустойки в сфере права на обязательства.....25

Odinaev Adkham Sa'dulloevich

Regulation of the use of penalty in the law of obligations.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.37/27.02.2020.YU.107.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

ОДИНАЕВ АДҲАМ САҶДУЛЛОЕВИЧ

**МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚИ СОҲАСИДА НЕУСТОЙКА ҚЎЛЛАШНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуки. Тадбиркорлик ҳуқуки.
Оила ҳуқуки. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Yu389 рақам билан рўйхатта олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sudylarolimaktabi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-тъалим порталаida (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Боротов Миродилжон Хомуджонович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Насриев Илҳом Исмоилович
юридик фанлар доктори, профессор

Мөхмонов Қамбариждин Мирадхамович
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:


**Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Ҳарбий-техник институти**

Диссертация химояси Судьялар олий мактаби хузуридаги PhD.37/27.02.2020.Yu.107.01
ракамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 29 декабрь куни соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади
(Манзил: 100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси 6-й.
Тел.: (99855) 501-01-89; факс: (99855) 501-01-89; e-mail: tm_devon@mail.ru).


Диссертация билан Бош прокуратура Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш
мумкин (2-ракам билан рўйхатта олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси,
42. Тел.: (99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2020 йил 17 декабрь куни тарқатилди.


(2020 йил 17 декабрдаги 2-ракамли реестр баённомаси).



К.О.Сидаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, юридик фанлар
доктори, доцент



М.П.Қаландарова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, юридик фанлар
номзоди, доцент



Б.Б.Самарходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш кошидаги Илмий семинар
раиси, юридик фанлар доктори,
профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Дунёда товар (хизмат, иш)лар савдоси соҳасида шартнома интизомини мустаҳкамлаш, кредиторлар хуқуқларини таъминлаш ва мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган қарздорга нисбатан қўлланиладиган фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик чоралари самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан саналади. Зеро, 2017-2018 йилларда дунё савдо ҳажми 10 фоизга ошиб, 25 трлн. АҚШ долларига етган бўлса, Халқаро савдо ташкилотининг дастлабки тахминларига кўра, 2019-2021 йилларда глобал савдонинг ҳажми 3,7 фоизга кўпаяди ва жаҳондаги ишлаб чиқариш ўсишини 0,7 фоизга ортда қолдиради¹. Бунда мажбурият бажарилишини таъминлаш воситаси ва мажбуриятни бажармаганлик учун қўлланиладиган универсал чора ҳисобланган неустойка (жарима ёки пеня)ни татбиқ этиш, қарздорни мажбуриятни лозим даражада бажаришга ундашнинг таъсирчан хуқуқий механизмларини яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Дунё мамлакатларида мажбурият бажарилишини таъминлаш ҳамда жавобгарлик чораси сифатида неустойкани қўллаш, кредитор хуқуқларини ҳимоя қилишнинг мақбул, самарали, таъсирчан ҳамда мутаносиб усуллари ва воситаларини такомиллаштириш бўйича янгича ёндашувлар кузатилмоқда. Жумладан, шартнома тузиш эркинлигини таъминлаш, товарлар, хизматлар ва капиталларнинг бутун дунё бўйлаб эркин ҳаракатига тўсқинлик қиласлиқ, тарафларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш, халқаро стандартларга, жумладан, шартномаларнинг принциплари тўғрисидаги хужжатлар, хусусан, УНИДРУА² Халқаро тижорат шартномалари принципларига миллий қонунчиликни мослаштириш, қонун хужжатлари ва хуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарблик касб этмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мамлакат иқтисодиётининг локомотиви бўлган тадбиркорлик субъектлари хуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик институтини такомиллаштириш, шу билан бирга, тадбиркорларга етказилган заарни қоплашнинг адолатли тартибини таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бизнес субъектларига имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш³, тадбиркорларнинг ўз мажбуриятларини, қонун олдидаги масъулиятларини унутмасликлари ғоят мухимдир⁴. Бу борада мажбурият хуқуқида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартнома талаблари ва интизомига риоя қилмаганлик учун неустойка қўллашга оид мавжуд

¹ https://unctad.org/system/files/official-document/a74d221_ru.pdf

² Международный институт унификации частного права, сокращённо УНИДРУА (фр. UNIDROIT); Источник – <https://ru.wikipedia.org>

³ Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. –Б. 16.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. –Б. 357.

назарий база фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг истиқболдаги доираси ва кўлами кенгайиб бораётган шароитда тадбиркорларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиласиган самарали фуқаролик-хуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш, хусусан, неустойканинг хуқуқий табиати, унинг фуқаролик қонунчилигидаги ўрни ва функцияси, мажбурият бажарилмаганлиги учун жавобгарнинг айби даражаси, неустойкани камайтириш каби жиҳатларни тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995, 1996), “Хўжалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги (1998) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон, 2020 йил 2 марта “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон фармонлари, 2019 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ф-5464-сон Фармойиши ва бошқа қонун хужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида диссертация муайян даражада хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дастрлаб шартнома хуқуқи, унинг бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ фикрлар XIX асрнинг охирларида билдирилган ва тадқиқ қилинган бўлиб, бу илмий изланишлар XX асрнинг 60-70 йилларига бориб бирмунча ривожланган бўлса, мазкур аср охирларига келиб имкон қадар илмий асослантирилган.

Неустойкага бағишлиланган ишлар ё неустойка билан боғлиқ бўлган айrim масалаларни ўрганишга бағишлиланган ёки бўлмаса бошқа институтлар, муаммолар ва масалалар билан бир қаторда таҳлил қилинган кенг миқёсдаги илмий тадқиқот ишларининг таркибий қисми ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда ушбу мавзуда Э.Дженкс (Англия), Г.Дернбург (Германия), Жюльлио Морандьер (Франция), Г.Трайтел, Р.Скотт, Б.Николас (АҚШ), Ж.Готанда, О.Ландо (Нидерландия), Юсуф Мұхаммад Қосим (Иордания) ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

МДҲга аъзо давлатларда мажбуриятлар ва шартнома шартлари бузилганда келиб чиқадиган юридик оқибатлар, жумладан, қўлланиладиган фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик шакллари В.А.Вятчин, Д.А.Гришин Ю.В.Долматова, А.И.Коновалов, А.А.Агарков, В.Г.Братус, Т.С.Антипов,

М.И.Брагинский, В.В.Витрянский, К.А.Граве, Э.Г.Крилова, А.С.Малеин, Г.К.Матвеев, Г.И.Меликов, Р.С.Зардов, Г.С.Захарова, Ю.Ю.Афонина, К.В.Нам, Ю.Г.Лесковаларнинг илмий ишларида ёритилган. А.А.Собчак, О.С.Иоффе ва К.А.Анненковларнинг тадқиқотлари режали иқтисодиёт тизимидағи шартнома мажбуриятларида неустойкани қўллашга қаратилган.

Мамлакатимизда неустойка билан боғлиқ масалалар Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, О.О.Оқюлов, Ф.Ю.Шодманов, К.О.Синдаров, Б.И.Ибраторов, Ш.Н.Рўзиназаров, М.Х.Боротов, Н.Ф.Имомов, Д.Б.Раҳимов, Дж.И.Бабаев, Н.Х.Эгамбердиева, М.П.Қаландарова ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Хусусан, К.О.Синдаров қишлоқ хўжалигига доир шартномавий муносабатлар ракурсида, М.Х.Боротов давлат иштирокидаги шартнома мажбуриятларига оид фуқаролик-хуқуқий жавобгарликни қўллаш масаласида, Н.Х.Эгамбердиева фуқаролик-хуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари доирасида неустойкага бирмунча тўхталганлар. Ф.Ю.Шодманов шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарликнинг аҳамияти ва асосий хусусиятлари ҳамда турларини илмий таҳлил қилган бўлса, М.П.Қаландарова пудрат шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарлик масалаларини ўрганган. Н.Ф.Имомовнинг қарз мажбуриятлари бўйича таъминловчи битимларга оид илмий концептуал фикрлари ҳамда Д.Б.Раҳимовнинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларида доир илмий ишланмалари ҳам бу борада диққатга сазовордир¹.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари масаланинг умумий жиҳатларига бағищланган бўлиб, тадқиқотнинг бевосита обьекти ва предмети сифатида неустойка моҳиятини очиб беришга қаратилган алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Мазкур диссертацияда асосий эътибор зарар ва неустойканинг ўзаро нисбати, мулкий жавобгарликнинг бир нечта чораларини бир пайтда қўллаш, қонуний неустойканинг юридик моҳияти, пул мажбуриятларини бажармаганлик учун фоизлар қўллашнинг юридик табиати, суд томонидан неустойкани камайтириш мезонларига қаратилиб, неустойканинг мажбуриятлар ижросини таъминлаш воситаси ҳамда фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик шакли сифатида уни қўллашнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш комплекс таҳлил қилинганлиги билан фарқланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда “Фуқаролик ҳуқуқи ва процессининг долзарб муаммолари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мажбурият ҳуқуқи соҳасида неустойка қўллашни тартибга солиш ва неустойка институтининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

¹ Ушбу олимлар асаллари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

неустойканинг вужудга келиши ва ривожланишини таҳлил қилиш; неустойка тушунчаси, мохияти ва турларини очиб бериш; фуқаролик-хуқуқий жавобгарликда неустойка ва айбнинг ўзаро муносабатини аниқлаш; неустойканинг мақсади, функциялари ҳамда хуқуқий тартибга солиш принципларини ўрганиш; неустойканинг хуқуқий табиати ва классификациясини таҳлил қилиш, мажбуриятлар ижросини таъминлаш воситаси ҳамда фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик шакли сифатида ўзига хос хусусиятларини ўрганиш; неустойканинг мажбуриятлар бажарилишини таъминловчи бошқа усуллар билан ўзаро нисбатини аниқлаш; неустойкани расмийлаштириш, кўпайтириш, камайтириш ва бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш; маҳсулот етказиб бериш, контрактация шартномалари мисолида неустойканинг мажбурият бажарилишини таъминлаш ва фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик шакли сифатида намоён бўлишини очиб бериш; неустойка қўллашнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболларига оид асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида мажбурият хуқуки соҳасида неустойка қўллашни тартибга солишга доир муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб мажбурият хуқуки соҳасида неустойка қўллашга оид хуқуқий муносабатлар ҳамда тадқиқот объекти билан боғлиқ илмий-назарий қарашлар, амалий муаммолар ва хуқуқни қўллаш амалиёти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб борища анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тарихийлик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ қилиш, қиёсийлик, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик институтини такомиллаштириш, жумладан зарарни қоплашнинг адолатли тартибини таъминлашда неустойканинг ўрни ва роли юқори эканлиги кўрсатиб берилиб, тадбиркорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилишда ҳисобга ўтказиладиган *неустойкани* қўллаш таклифи асосланган;

қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмагандан тўланиши шарт бўлган пул суммаси ёхуд шу суммага teng бўлган *натура шаклидаги мол-мулкни* (*товарни*) неустойка сифатида қабул қилиш таклиф этилган;

фуқаролик-хуқуқий жавобгарликни қўллашда жавобгарлик шарти сифатида неустойкага боғлаган ҳолда айбнинг ўрнини белгилаш мақсадида, Фуқаролик кодексига “Айб тушунчаси”, “Айбнинг шакллари” ва “Айбсиз ҳолда зарап етказиш” каби янги моддалар киритиш таклиф этилган;

мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш ҳамда кредитор манфаатларини самарали ҳимоя қилинишига эришишда қонуний неустойканинг аҳамияти ва зарурати асослаб берилган;

неустойканинг шартномани тузиш ва ижро этиши пайтида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули, шартнома бузилганида эса жавобгарлик чораси эканлиги бўйича Фуқаролик кодексининг 22 ва 24-бобларини такомиллаштириш йўналишлари аниқланган ҳамда неустойканинг ҳисобга ўтказиладиган, жаримали, алоҳида ва муқобил турларини қўллаш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

неустойканинг шартномани тузиш ва бажариш босқичида – мажбурият бажарилишини таъминлаш усули ва лозим даражада бажаришга даъват этувчи восита эканлиги, мажбуриятнинг бузилиши босқичида эса – жавобгарлик чораси ёки мажбурият бузилишини тўхтатиш ва бартараф этиш ёхуд етказилган зарарни қоплаш воситаси эканлиги ҳақида хulosса берилган;

неустойканинг шартномани тузиш ва бажариш босқичида мажбурият бажарилишини таъминлаш усули сифатида *разбатлантирувчи* функцияни бажариши, мажбуриятнинг бузилиш босқичида эса *жавобгарлик шаклига* айланиши хусусида хulosса берилган;

шартноманинг мажбурият бажарилишини таъминлашга доир шартларида пул маблағларини эмас, балки моддий *объектлар*, *натура шаклидаги мол-мулк (товар)*, эркин муюмаладаги *товарларни* топшириш белгиланган бўлса, шартнома ҳақиқий деб ҳисбланиши механизми ёритилган;

неустойка ундиришнинг тарихий асослари таҳлил этилиб, унда неустойка *кумульятив*, яъни қарздорга нисбатан жазоловчи хусусиятга эга бўлганлиги, неустойканинг *разбатлантирувчи, компенсацион, жазолаш, тарбиявий, сигнализацион* ва *оогоҳлантириши* функциялари кўриб чиқилиб, неустойка ундирилиши қарздор учун умумий ва хусусий мақсадларни кўзловчи жазо ҳисбланиши хусусида хulosага келинган;

неустойкани нафақат пул, балки шу суммага teng бўлган *натура шаклидаги мол-мулкни (товарни)* тўлиқ ёки унинг бир қисмини неустойка оловучи (кредитор ёки қарздор) ҳисобига ўтказиш йўли билан тўланиши лозимлиги механизми очиб берилган;

неустойканинг ўзига хос кўриниши *астрент* (*суд неустойкаси*) институтини киритиш ҳамда қарздор томонидан суд қарорлари ижро этилмаганлиги учун ундириладиган неустойкани кредитор фойдасига ва давлат бюджетига тақсимлаш механизмини жорий этиши таклифи берилган;

мажбуриятлар бажарилишининг янги усули сифатида “*таъминловчи тўлов*”га оид қоидаларни киритиш таклиф этилиб, мазкур усул орқали қарздор томонидан шартнома тузиш пайтида кредитор фойдасига киритилган тўлов воситасида мажбурият бажарилишини таъминлаш асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш” номли 22-боби, “Неустойкани камайтириш”

номли 326-моддаси, “Пул мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик” номли 327-моддаларини такомиллаштириш, шунингдек судларда қурилиш пудрати ҳамда кредит шартномаларидан келиб чиқадиган низоларни кўришда неустойкани қўллаш ва камайтириш юзасидан таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлили ва ахборот базасида расмий эълон қилинган статистик маълумотларга асослангани, унда чиқарилган хulosалар, таклиф ва тавсиялар тегишли давлат органлари ва ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани ҳамда амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган илмий хulosа ва таклифлардан мажбурият ҳуқуки назариясини ривожлантириш, ушбу соҳага тааллуқли назарий билимларни бойитиш ҳамда янги илмий тадқиқотлар ўтказишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзуни тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хulosа ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда, мажбурият ҳуқуки йўналишидаги илмий тадқиқотларда, норма ижодкорлигига, суд-ҳуқуқ ва прокурорлик амалиётида, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи”, “Иқтисодий процессуал ҳуқуқ” каби фанлардан маъruzalар ўқиши ва амалий машғулотлар ўтказишида, дарсликлар ва ўкув-методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Мажбурият ҳуқуки соҳасида неустойка қўллашни тартиба солишини такомиллаштиришга оид тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институтини такомиллаштириш, жумладан зарарни қоплашнинг адолатли тартибини таъминлашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Ф-5464-сон Фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқишига оид 30-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 2 сентябрдаги 4-13-2/1631-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши тадбиркорлар ва хусусий мулкдорлар, потенциал хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, фуқаролик қонунчилигини бозор иқтисодиёти тамойиллари ва халқаро стандартларга

мувофиқ модернизация қилиш, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлашириш ва бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун замонавий фуқаролик-хуқуқий асос яратишга кўмаклашган;

неустойканинг ҳажми ва миқдори, қарздорнинг қарзни тўлаш мажбуриятини такомиллаштиришга қаратилган Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлардан янги таҳрирда ишлаб чиқилаётган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Хуқуқий сиёsat тадқиқот институтининг 2020 йил 9 июлдаги 1/3-3-360-сон; Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ва минтақаларро тадқиқотлар институтининг 2020 йил 8 октябрдаги 02-3/687-сон хатлари). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши мажбурият бажарилмаганида неустойканинг миқдорини аниқ белгилаш, етказилган заарнинг мажбуриятни бузиш оқибатларига мутаносиблигини таъминлашга доир нормаларни шакллантиришга хизмат қилган;

Фуқаролик кодексига мажбуриятларни бузганлик учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарликни белгилаш бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид таклифлардан Фуқаролик кодексининг янги таҳриргаги лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2020 йил 6 июлдаги 05/1-01-112-сон хати). Мазкур таклифларнинг қабул қилиниши мажбурият хуқуқида қарздорнинг айби даражаси ва шаклини белгилаш, етказилган заарнинг мажбуриятни бузиш оқибатларига мутаносиблигини таъминлашда ижобий таъсир кўрсатишга доир нормаларни шакллантиришга хизмат қилган;

мажбурият хуқуки соҳасида қонуний неустойкани киритиш юзасидан билдирилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини такомиллаштиришда фойдаланилиб, “Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими”га (project.gov.uz) киритилган (Бош прокуратуранинг 2020 йил 22 майдаги 17723-сон хати ва 2020 йил 27 октябрдаги 30/8-20-860-сон далолатномаси). Ушбу таклифлар Фуқаролик кодексининг неустойкага оид қатор нормаларини такомиллаштириш, жумладан қонуний неустойканинг хуқуқий асосларини мустаҳкамлашга кўмаклашган;

хўжалик шартномаларини бажарилмаслиги бўйича иқтисодий ишларни кўриб чиқиш ва баҳо беришга оид қоида ва тавсиялардан Олий хўжалик суди Пленумининг 15.06.2007 йилдаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун хужжатларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида”ги 163-сон қарорини такомиллаштириш бўйича тайёрланган лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил

13 октябрдаги 08/УМ-566-20-сон хати). Ушбу тақлифларнинг қабул қилиниши фуқаролик ва иқтисодий судларда неустойка ундириш билан боғлиқ ишларни кўришда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қўмаклашган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами **38** та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 1 та илмий-амалий қўлланма, 35 та илмий мақола (17 таси диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллый журналларда, 2 таси халқаро журналларда, 11 таси илмий анжуманларда, 5 таси бошқа нашрларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, 12 параграфдан иборат уч боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 153 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик дарражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг аprobацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Фуқаролик ҳуқуқи институти сифатида неустойканинг моҳияти ва вазифаси”** деб номланган биринчи бобида неустойканинг вужудга келиши ва унинг ривожланиши, неустойка тушунчаси, моҳияти ва турлари, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликда неустойка ва айбнинг ўзаро муносабати, неустойканинг мақсади, функциялари ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш принциплари таҳлил қилинган.

Мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун қарздорнинг жавобгарлиги масаласи, яъни неустойкани қўллаш цивилистикада анча даврлардан бери маълум. Цивилистиканинг бошқа институтлари каби неустойканинг келиб чиқиши тарихи қадимги Рим ҳуқуқига бориб тақалиб, *неустойка* (*stipulatio poenae*) деганда, шартномани бузган шахснинг зарар кўрган тараф фойдасига жарима тўлаш мажбуриятини назарда тутувчи шартли келишув тушунилган.

Тадқиқотда қатор олимлар (Х.Р.Раҳмонқулов, М.И.Брагинский, В.В.Витрянский, А.И.Коновалов)нинг соҳага доир ишланмалари таҳлил қилиниб, Европада неустойка тўғрисидаги нормалар илк бор Рим хусусий хуқуқи манбаларида мустаҳкамланиб, унда неустойка “стипуляция”, яъни оғзаки “изоҳот” институти доирасида белгилангани, стипуляцияда мажбурият олган тарафлардан бири бош, яъни асосий мажбуриятни бузган тақдирда кучга кирувчи шартли мажбурият тарзида баён этилганлиги аниқланди. Изоҳот (неустойка) фуқаролик-хуқуқий ҳимояланмаган шартномаларни мустаҳкамлаш ҳамда уларни бажарилишини таъминлашга ёрдам берган.

Неустойка тадбиркорлик муносабатларида зарарни қоплаб беришнинг соддалашган, қулай ва энг асосийси, универсал воситаси ҳисобланади.

Неустойканинг *афзаллиги* шуки, мажбуриятни муайян тарзда бузганлик учун шартномада аниқ миқдорда белгилаб қўйилиб, қарздорни мажбуриятни лозим даражада бажаришга даъват этади ва мажбурият бузилган тақдирда кредитор манфаатларини ҳимоя қилишни бирмунча енгиллаширади.

Неустойканинг жавобгарлик шакли сифатидаги *қулайлиги* шуки, унинг миқдори олдиндан маълум ва одатда, фақат мажбуриятнинг бузилиши хусусиятига боғлиқ бўлади. Шу туфайли ҳам кредитор неустойкани ундириш ҳақидаги талабни қўйиш учун мажбурият бузилганини исботлаб беришининг ўзи кифоя қиласи. Мажбурият бузилишининг оқибатларини, жумладан етказилган зарар миқдорини исботлаш талаб этилмайди, чунки зарар миқдори билан қарздорнинг хуқуқни бузувчи ҳаракатлари ўртасида сабабий боғланиш бошқа ҳолатларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Неустойка ва унинг фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик ҳамда мажбурият бажарилишини таъминлаш усуллари тизимидағи ўрни тўғрисидаги масала узоқ йиллардан бери қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, қарздор неустойка тўланган ёки тўланмаганидан қатъи назар, мажбурият лозим даражада бажарилмаган ҳолда уни асл ҳолида бажариши шарт. Кредитор манфаатини таъминлашга шу билан эришиладики, қарздорга нисбатан неустойка тўлаш таҳди迪 билан ўз мажбуриятларини бажаришга даъват этилади.

Фикримизча, неустойканинг таъминловчи функцияси фақатгина кредиторнинг манфаатини таъминлаш орқали мажбуриятга доир муносабатларни мустаҳкамлашда ифодаланганлиги сабабли, унинг мажбурият бажарилишини таъминлашдан кўра жавобгарлик санкцияси эканлиги қўпроқ қўзга ташланади.

Таҳлил қилинаётган муаммолар доирасида фуқаролик қонунчилигига неустойка ва зарарнинг ўзаро муносабати ҳамда хусусияти алоҳида таҳлил қилиниб, шартнома тузилаётганда амалдаги фуқаролик қонунчилигидаги неустойканинг мавжуд **тўртта:** ҳисобга ўтказиладиган, жаримали, алоҳида ва муқобил турларидан қайси бири тўланиши белгиланганидан қатъи назар, неустойка масаласи суд томонидан кўрилаётганда, тарафларнинг иқтисодий манфаатларига ҳар томонлама мақбул келадиган неустойка турини қўллаш бўйича Фуқаролик кодексининг 325-моддасига таклиф киритилди.

Шунингдек, тадқиқотда Фуқаролик кодексининг пул мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги 327-моддаси ўзига хос хусусият касб этишига алоҳида эътибор қаратилди.

Айрим муаллифлар (А.Попов) фикрига кўра, пул мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норма юридик табиатига кўра қонуний неустойка ҳисобланади. Шундай экан, айнан шу пул мажбуриятини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун банк фоизининг ҳисоб ставкаси тўлашдан озод қилиш бўйича суд ваколатларини мустаҳкамлаш тўғрисида ФКнинг 327-моддасига қўшимча киритиш лозимлиги асослантирилди.

Ишда неустойка ундирувининг амалдаги предмети моҳияти бўйича бир қатор хорижий мамлакатлар, жумладан Англияда олдиндан баҳоланадиган зарар пулда ҳам, мол-мулк сифатида ҳам ифодаланиши мумкинлиги, қадимги Рим ҳуқуқида пул ҳам, мол-мулк қўринишидаги муайян бойлик ҳам неустойка сифатида амал қилганлиги, Германия Фуқаролик тузугининг 342-параграфига мувофиқ, неустойка пул қўринишидагина эмас, балки ўзгача мол-мулк қўринишида ҳам ифодаланиши, Украина Фуқаролик кодексининг 549-моддасида неустойка нафақат пул эквивалентида, балки бошқа мол-мулк сифатида ҳам белгиланиши назарда тутилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 11-моддасида бузилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усусларида неустойка ундириш баробарида, “бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш” ҳам белгилангандан келиб чиқкан ҳолда, неустойка нафақат пул шаклида, балки натура шаклида бўлиши ҳам мумкинлиги асослантирилиб, шу асосда Фуқаролик кодексининг 260-моддасига қўшимчалар киритиш таклиф этилди.

Қарздорни суд қарори билан белгиланган мажбуриятни бажаришга ундаш воситаси сифатида фуқаролик ҳуқуқига неустойканинг ўзига хос қўриниши *астрент* (*суд неустойкаси*) институтини киритиш ва бу билан қарздор томонидан суд қарорлари ижро этилмаганида ундириладиган неустойкани аввало кредитор фойдасига, сўнгра давлат бюджетига тақсимлаш механизмини жорий этиш лозимлиги ҳақида фикр юритилди.

“Мажбуриятлар ижросини таъминлаш ва фуқаролик-хуқуқий жавобгарликада неустойканинг ўрни ва роли” деб номланган иккинчи бобда неустойканинг ҳуқуқий табиати ва классификацияси, мажбуриятлар ижросини таъминлаш воситаси ҳамда фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик шакли сифатидаги ўзига хос хусусиятлари, мажбуриятлар бажарилишини таъминловчи бошқа усувлар билан ўзаро нисбати таҳлилга тортилади.

Неустойка ҳисоблаш усулига кўра жарима ва пеняга ажралади.

Пеня мажбурият, кўпинча пул мажбурияти ижроси кечикириб юборилган ҳолда қўлланилади ва муайян муддат мобайнида кечикирилган ҳар бир кун учун ёки кечикириб юборилган муддат мобайнида бажарилмаган мажбурият суммасига нисбатан фоиз ҳисобида ёхуд кечикириб юборилган муддат учун ўсиб борувчи якун сифатида ёзилади.

Жарима мажбурият тарафида ётувчи бирон-бир каррали ёки давомли фуқаролик-хуқукий жавобгарлик учун ундирилади. У тарафлар ўртасидаги мажбуриятнинг ҳар қандай шартини бузиш учун белгиланиши мумкин. Пенядан фарқли ўлароқ, жарима бир карра ундириладиган неустойкадир.

Неустойка ҳақидаги келишувнинг шакли ҳам глобаллашув шароитида (тезкорлик ва инсон омилига хос бошқа жиҳатлар) талай муаммоларни келтириб чиқармоқда. Неустойка тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиши кераклиги ҳақидаги Фуқаролик кодексининг 262-моддаси қоидаси ўта примитивлиги сабабли, уни янги таҳрирда баён этиш таклиф этилди.

Қонун чиқарувчи мажбуриятларни бузишнинг оқибатлари сифатида мулкий жавобгарлик чоралари (зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш)нигина эмас, балки биз “қўшимча оқибатлар” деб номлаган бошқа чораларни ҳам кўрсатади. Кўшимча жавобгарлик ё мажбурият лозим даражада бажарилишига қўмаклашади (масалан, товарни таъмирлаш ёки уни алмаштириш) ёки қарздорга оператив таъсир кўрсатишнинг юридик оқибатларга сабаб бўлувчи воситаси ҳисобланади (товарни қабул қилишдан бош тортиш, шартномани бажаришдан бош тортиш). Шартнома бўйича қўшимча жавобгарликнинг шартнома бўйича мулкий жавобгарликдан фарқи шундаки, у шартномавий ёки қонунга мувофиқ жавобгарлик асосларидан қатъи назар келиб чиқиб, айни пайтда, мулкий хусусият ҳам касб этади.

Фуқаролик-хуқукий жавобгарлик зарарни қоплаш, неустойка тўлаш, мусодара хусусиятига эга ҳамда айrim нотипик жавобгарлик чоралари кўринишларида бўлиши мумкин.

Фикримизча, Фуқаролик кодексининг қопланиши лозим бўлган зарарлар таркибини белгиловчи нормалари конкретлаштирилиши лозим.

Бир томондан, кредитор суднинг ҳал қилув қарори натижасида ортиқча бирон-бир нарсани олмаслиги керак, бошқа томондан эса – унга қўйиладиган далиллар тақдим этиш ҳақидаги талаблар аниқ белгиланиши керак.

Зарарни қоплашнинг адолатли тартибини белгилаш, зарарнинг мажбуриятни бузиш оқибатларига мутаносиблигини таъминлаш мақсадида Фуқаролик кодексининг 324-моддаси қопланиши лозим бўлган зарарнинг микдори суд томонидан мажбуриятлар бузилишининг барча ҳолатларини инобатга олиб, адолат ва бузилган мажбуриятга нисбатан белгиланадиган жавобгарликнинг мутаносиблиги принципидан келиб чиқиб аниқланишига оид қоидалар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, қатор хорижий мамлакатлар (Россия, Германия)да неустойка ундирилишини таъминлашда “таъминловчи тўлов” усули кенг қўлланилади. Бунда асосий қоида шартнома тузилганидан сўнг уни бажаришга киришиш чоғида ёки ундан олдин муайян пул суммасини бир тараф иккинчи тараф фойдасига киритади, яъни тегишли пул суммасини депозитга, қопланган аккредитив шаклидаги банк ҳисоб рақамига ёки банкнинг пул сандигига омонат сақлашга қўйилади. Пулни таъминловчи тўлов сифатида киритган тараф мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда мазкур сумма етказилган заарларни қоплаш билан

бирга неустойкани ундириш учун ҳисобга олинади. Фикримизча, “таъминловчи тўлов”га оид қоидалар Фуқаролик кодексига киритилса, уни нафақат асосий мажбурият, балки неустойка ундиришнинг ишончли, кафолатли таъминловчи воситаси сифатида қўллаш ўзининг ижобий самарасини берар эди.

Тадқиқотнинг учинчи боби “**Мажбурият-хуқуқий муносабатларда неустойка қўллашни такомиллаштириш масалалари**” деб номланиб, унда неустойка ундириш тўғрисидаги талаб ва мажбуриятни асл ҳолида бажариш тўғрисидаги талабнинг ўзаро нисбати, неустойкани расмийлаштириш, кўпайтириш, камайтириш ва бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, маҳсулот етказиб бериш, контрактация шартномалари мисолида неустойканинг мажбурият бажарилишини таъминлаш ва фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик шакли сифатида намоён бўлиши, неустойка қўллашнинг самарадорлигини ошириш ҳамда хуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболларига оид қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Неустойка ва мажбуриятни асл ҳолида бажариш тўғрисидаги даъвонинг ўзаро нисбати тўғрисидаги масалани ечишда шуни эътиборга олиш лозимки, агар неустойкага биринчи навбатда олдиндан баҳоланган заарлар (liquidated damages) сифатида қараладиган бўлса, заарлар билан айни бир усулни қўллаш талаб этилган бўларди. Масалан, пеня тарзидаги неустойка ҳар доим ижро муддатини кечикириб юборганлик учун назарда тутилади, шу туфайли ҳам уни ундириш ижрони талаб қилиш имкониятига таъсир кўрсатмайди. Жарима тарзидаги неустойка ҳақида гапирганда, бу жарима нима учун белгиланганини ва унинг суммасини синчилаб ўрганиш талаб этилади. Бунда сумма қанча катта бўлса, мазкур жарима мажбуриятни бажармаганлик учун белгилангани эҳтимоли кўпроқ бўлади, яъни бундай жарима мажбурият бекор бўлишидан кўриладиган зарарни қоплаш мақсадини кўзлайди. Жарима қанча оз бўлса, қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмаслиги эҳтимоли шунча кўп бўлади.

Фуқаролик қонунчилигига неустойканинг олдиндан баҳоланган заарлар сифатидаги аҳамияти азалдан пасайтириб кўрсатилган. Шартноманинг у ёки бу шартини бажармаганлик (топширмаганлик, етказиб бермаганлик) учун қайд этилган жарима белгиланган жойда мажбурият бекор бўлганда ундириладиган жарима мавжуд бўлади.

Бундай жаримани кредитор ташабbusи билан ундириш мажбурият бекор бўлишига олиб келади ва қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилади.

Неустойкани камайтириш масаласи мазкур тадқиқот предметининг муҳим жиҳатларидан биридир. Агар неустойка миқдори кредиторнинг бош мажбурият бажаришига нисбатан ҳар қандай манфаатидан сезиларли даражада ортиқ бўлса, бундай неустойкани ундириш қарздорни кам аҳамиятли камчилик юзасидан “эксплуатация қилиш” ҳисобланади. Бундай ҳолатда одиллик принципига мувофиқ, судга неустойка миқдорини камайтириш хуқуки берилади. Масалан, Германия фуқаролик хукуқида суд

томонидан неустойкани камайтириш фақат муайян шартлардагина амалга оширилиши мумкин, яни неустойка тўлашга мажбур қарздор бундай илтимос билан судга мурожаат этганда ёки неустойка миқдори кредиторнинг мулкий эмас, балки эътиборга лойиқ бўлган бошқа барча манфаатларини ҳам ҳисобга олганда ҳаддан ташқари катта бўлганда (бунда шартнома тузиш ва неустойкани келишиш вақтигина эмас, балки шартноманинг бузилиши юз берган вақт ҳам эътиборга олиниши лозим). Энг асосийси, неустойка тўланганидан кейин, унинг миқдорини камайтиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистонда фуқаролик қонунчилигига биноан суд неустойка миқдори етказилган заарга номутаносиб бўлган тақдирда, мажбурият тадбиркорлик ёки тижорат хусусиятига эгами ёки эга эмасми – бундан қатъи назар, неустойка миқдорини камайтириш ҳуқуқига эга. Аммо Германия фуқаролик ҳуқуқининг мазкур қўрсатмаси нақадар қаттиқ бўлмасин, неустойка билан таъминланаётган мажбурият савдо, тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқса, неустойка миқдори камайтирилиши мумкин эмас.

Тадқиқот жараёнида суд-ҳуқуқ ва прокурор-тергов амалиёти ҳамда хорижий тажрибани ўрганиш натижасида қарздорнинг мулкий ҳуқуқлари ҳимоясини янада мустаҳкамлаш бўйича Фуқаролик кодексининг 326-моддасига ўзгартириш ва кўшимча киритиш ҳақида хulosага келинди.

ХУЛОСА

Мажбурият ҳуқуки соҳасида неустойка қўллашни тартибга солиш мавзусидаги диссертация тадқиқоти натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қўйидаги хulosса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

I. Мажбурият ҳуқуқида неустойка қўллаш борасидаги илмий-назарий хulosса ва таклифлар

1. Неустойка, бир томондан, мажбурият бажарилишини *таъминлаш усули*, бошқа томондан эса, фуқаролик-ҳуқуқий *жавобгарлик шакли* сифатида амал қиласи. Неустойка шартномани тузиш ва бажариш босқичида *рагбатлантирувчи, сигнализацион* ҳамда кредиторнинг бузилиши мумкин бўлган мулкий ҳуқуқларини *тиклиш* функцияларини бажаради ва шартноманинг лозим даражада бажарилишини таъминлайди, мажбуриятнинг бузилиш босқичида эса ўзига хос *жавобгарлик шаклига* айланиб, ўзида *компенсацион, жазолаши, тарбиявий* функцияларни намоён этади.

2. Неустойка юридик жавобгарликнинг тарбиявий функциясига хос жиҳатларга эга бўлганлиги сабабли ҳам унинг моҳиятида мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга хос бўлган жиҳатлар мавжуд. Шу сабабли, неустойкани мазкур икки ҳуқуқий институт таркибиға киритилишидаги мантиқ ҳам ушбу омил билан боғлиқ ва бундай иккӣёқламаликда устуворлик неустойканинг ундирилиш босқичига берилади. Бу босқич эса фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қўлланилганда вужудга келиб, дастлаб мажбурият бажарилишини *таъминлаш усули* сифатида белгиланган неустойкани шартнома бузилганида ундириладиган *жавобгарлик чорасига* айлантиради.

3. Неустойка тўлаш масалаларини тартибга солишида шартномани бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик ҳолларини фарқлаш зарур. Масалан: а) қарздор шартномани бажармаган тақдирда неустойка тўлаши шарт бўлса, кредитор шартномани бажариш ўрнига неустойка тўлашни талаб қилиши мумкин. Агар кредитор қарздордан неустойка тўлашни талаб қилган бўлса, мажбуриятни бажариш талабининг қўйилиши мумкин эмас; б) агар неустойка мажбурият лозим даражада бажарилмаган, бажариш муддати кечиктирилган, белгиланган талаблар асосида бажарилмаган ҳолда тўлаш назарда тутилган бўлса, кредитор мажбуриятни бажариш билан бир қаторда зарарни қоплаш ва неустойка тўлашни ҳам талаб қилишга ҳақли бўлади.

4. Фуқаролик-хуқуқий тусдаги жаримавий санкцияларни белгилаш, уларни ҳисоблаш ва қўллашга нисбатан қоидалар турли норматив-хуқуқий хужжатларга “сочиб” ташланганлигини қўриш мумкин. Кўплаб идоравий хужжатларда, айниқса, монополия субъектлари томонидан истеъмолчиларга хизмат кўрсатишда белгиланадиган санкциялар тизимидағи хилма-хилликлар кўп ҳолатларда фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид равиша белгиланиши ва татбиқ этилиш ҳолатлари мавжуд. Ушбу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Фуқаролик кодексига “**Фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик чоралари**” номли янги моддани киритиш ҳамда унда жаримавий харакатерга эга бўлган айнан қандай таъсир чоралар фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик чоралари ҳисобланishi ва уларнинг турларини аниқ белгилаш зарур.

5. Фуқаролик хуқуқига неустойканинг ўзига хос кўриниши **астрент** (*суд неустойкаси*) институтини киритиш ҳамда қарздор томонидан суд қарорлари ижро этилмаганида ундириладиган неустойкани кредитор фойдасига ва давлат бюджетига тақсимлаш механизмини жорий этиш лозим. Астрент моддий-хуқуқий таъсир чораси бўлиши билан бирга, неустойка сифатида қарздорни суд қарори билан белгиланган **мажбуриятни бажариишга ундаи воситаси** ҳам ҳисобланади.

Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этмаганлик учун ундириладиган маъмурий жаримадан фарқли равища, *астрент* кредитор манфаатларига хизмат қиласи ва айни пайтда қарздорни қарз суммасидан келиб чиқиб қўшимча мулкий йўқотишларга дучор қилиши сабабли ҳам ижро жараёни тезлашишига самарали таъсир кўрсатади. Ҳозирда қўлланилаётган суд қарорларини ижро этмаганлик учун маъмурий жарима эса ўта самарасиз эканлиги яққол кўзга ташланмоқда. Шу сабабли, ФК, ФПК ва ИПКга астрентга оид нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

6. Фуқаролик қонунчилигига мажбуриятлар бажарилишининг янги усули сифатида “**Таъминловчи тўлов**”га оид қоидаларни киритиш таклиф этилади. Мазкур усул орқали олдиндан мажбурият тарафлари томонидан шартнома тузиш пайтида бир-бирларининг фойдасига киритилган тўлов воситасида мажбурият бажарилиши тўлиқ таъминланади. Мазкур усул айни пайтда “*гаровбанд*” ёки “*кафолат*”га ўхшаш функция ва жиҳатларга эга

бўлса-да, унинг “пул тўлови” шаклида қўлланилиши сабабли амалдаги неустойка предметига яқинроқ саналади.

7. Пул мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норма пул мажбуриятларига нисбатан қўлланиладиган қонуний неустойка ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг пул мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги нормасини қонуний неустойка тўғрисидаги норма ҳамда пул мажбуриятини бажармаганлик учун назарда тутилган фоизларни *неустойканинг бир тури*, деб ҳисоблаш лозим.

8. Жавобгарлик чораси сифатида жаримали неустойкани заарни қоплаш билан бир қаторда қўллаш неустойка тўлаш ва заарни қоплашнинг ўзаро нисбати муаммосини келтириб чиқаради, уларни бир-биридан алоҳида қўллаш (муқобил неустойка) эса, компенсациян фуқаролик-хукуқий жавобгарлик принципининг бузилишига олиб келади. Шунга кўра, хукуқни қўллаш амалиётида ФКнинг 325-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган ҳисобга ўтказиладиган неустойка турини кенг жорий этиш зарур.

II. Мажбурият ҳукуқи соҳасида неустойка қўллашга оид қонун хужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини такомиллаштиришга оид таклифлар:

1.1. Фуқаролик кодексини “Айб” номли қуйидаги 2¹-боб билан тўлдириш лозим:

“2¹-БОБ. АЙБ

15¹-модда. Айб тушунчаси

Фуқаролик-хукуқий муносабатларда бошқаларга зарар етказган шахснинг ўз гайрихукуқий хатти-ҳаракатларига ва уларнинг заарли оқибатларига нисбатан гаразли мақсад ёки эҳтиётсизлик шаклидаги руҳий муносабати айб ҳисобланади.

15²-модда. Айбнинг шакллари

Қонун ёки шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ёхуд кечиктириб бажарганликни қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс айбдор деб топилиши мумкин.

15³-модда. Айбсиз ҳолда зарар етказиши

Агар кредитор ёки қарздор мажбуриятни бажарииш ёки лозим даражада бажарииш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрган бўлса, бироқ шартнома бажарилмасдан қолса, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик айбсиз ҳолда содир этилган деб топилади”;

1.2. “**Мажбурият бўйича кредитор ҳукуқларини ҳимоя қилиш**” номли 235¹-моддани киритиш ва уни қуйидаги мазмунда ифодалаш лозим:

“Мажбурият қарздор томонидан бажарилмаган ҳолларда кредитор, агар ушбу Кодексда, бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача ҳолат назарда тутилган бўлмаса ёки шартнома ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан ўзга маъно англашилмаса, суд орқали мажбуриятни натура шаклидаги мол-мулк (эркин муомаладаги товар) ҳолида бажариишини талаб қилишга ҳақли.

Суд кредиторнинг талаби билан унинг фойдасига суд ҳужжатлари ва боиқа органлар ҳужжатлари ижро этилмаган ҳолларда адолат, мутаносиблик ва ноқонуний ёки ноинсоф хулқ-автордан фойда олишига йўл қўймаслик принципларига риоя этган ҳолда муайян пул суммасини ундириш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ кредиторнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши қарздорни мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганилиги учун жавобгарликдан озод қилмайди”;

1.3. 260-модданинг биринчи қисмига неустойка сифатида пул суммаси билан бирга *шу суммага тенг бўлган натура шаклидаги мол-мулк (товар)* ҳам ҳисобланишига оид қоидаларни киритиш ҳамда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофик:

